

---

## Уй-жой аукционга чиқарилди!

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 24.04.2024 йилги қарздор Қобилов Тохиржон Толибович, қўшимча жавобгарлар Тўхтаназаров Шохрух Жуманазар ўғли, Рахмонов Акрамжон Носировчилардан ундирувчи Халқ банки фойдасига 228.401.787 сўм кредит қарзи ундириш, ундирувни қарздор Қобилов Тохиржон Толибовичга тегишли гаровга қўйилган Бешариқ тумани, Файзиобод МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган 1-уйга ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан қаратиш белгиланган. Мазкур ижро ҳужжати юзасидан 150324010957-сонли ижро иши қўзғатилган ва қарздорга ижро ҳужжатидаги талабларни бажариш учун ихтиёрий муддат берилган. Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида, қарздор Қобилов Тохиржон Толибовичга тегишли гаровга қўйилган Бешариқ тумани, Файзиобод МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган 1-уй ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан 14.05.2024 йилги далолатномага асосан хатланган. Ушбу уй жой 28.09.2024 йилги баҳолаш далолатномасига асосан бошланғич баҳоси 262.700.000 сўм этиб белгиланган. Ижро ҳужжати ижросини таъминлаш мақсадида хатланган уй жой Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази орқали «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида сотиш учун чиқарилиши таъминланди. Келгусида, сотувдан тушган пул маблағлари ҳисобидан қарздорлик қопланиши таъминланади.

Бўлим бошлиғи адлия маслаҳатчиси      С.С.Қўшмоқов

2024-07-04 15:09:32